

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 334(575.1)**

САИДОВ МАШЪАЛ САМАДОВИЧ

**ТАБИИЙ МОНОПОЛ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ БОШҚАРУВ
УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(«ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ» АЖ МИСОЛИДА)**

08.00.13 – Менежмент

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун
ёзилган диссертация**

**Илмий маслаҳатчи:
и.ф.д., профессор,
М.П.Эшов**

Тошкент – 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
I БОБ. ТАБИЙ МОНОПОЛ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ	18
1.1-§. Табиий монопол ташкилотларни тартибга солиш ва бошқаришнинг назарий - услубий жиҳатлари	18
1.2-§. Глобаллашув шароитида табиий монопол ташкилотлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва институционал хусусиятлари	31
1.3-§. Табиий монопол ташкилотларни тартибга солиш ва бошқаришнинг хориж тажрибаси ва улардан республикамизда фойдаланиш йўллари	47
I боб бўйича хулосалар	61
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ	63
2.1-§. Табиий монополиялар соҳаларида рақобат муҳитини шакллантириш	63
2.2-§. Республика электр энергетикаси соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар.....	76
2.3-§. Электр энергетикаси соҳасида тариф ва нархларни шакллантириш таҳлили	95
II боб бўйича хулосалар	111
III БОБ. ТАБИЙ МОНОПОЛ ТАШКИЛОТЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ	113
3.1-§. Табиий монопол ташкилотларни бошқариш самарадорлигини баҳолашга ёндашувлар	113

3.2-§. Соҳада корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш механизмлари	133
3.3-§. Электр энергетикаси соҳасининг бошқарув самарадорлигини баҳолаш ва прогнозлаш	146
III боб бўйича хулосалар	159
IV БОБ. ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ СОҲАСИ БОШҚАРУВИ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	162
4.1-§. Электр энергетикаси соҳасини бошқаришда замонавий бозор механизмларини жорий этиш йўллари	162
4.2-§. Соҳада қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари	175
4.3-§. Энергия хавфсизлигини таъминлашда соҳада бошқарув самарадорлигини ошириш истиқболлари	188
IV боб бўйича хулосалар	204
ХУЛОСА	207
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	213
ИЛОВАЛАР	245

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда табиий монополиялар соҳаларида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, жумладан электр энергетикаси соҳасида самарали бошқарув тизимини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб беришда «табиий йўқотилиш» миқдорини камайтириб самарали электрон бошқарув тизими орқали мунтазам етказиб беришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, соҳада хом-ашё ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланишга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунё мамлакатларида энергия ресурсларининг нотекис тақсимланганли сабабли, ҳозирда жаҳонда энергия манбаларига бўлган глобал тақчиллик юзага келаётганини кўришимиз мумкин. Шунинг учун жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришда табиий монополиялар соҳалари мамлакатларнинг асосий инфратузилмаларини ташкил этганлиги сабабли, бу соҳада бошқарув услубиётини такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга.

Жаҳонда амалга оширилаётган ишланишларда электр энергетикаси соҳасида соғлом рақобат муҳитини хусусий, хорижий, давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини ташкил қилиш орқали шакллантириш, соҳани корпоратив тамойиллар асосида бошқариш ва тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Табиий монополиялар таркибига кирувчи электр энергетикаси соҳаси бошқа фаолият соҳаларига қараганда ўзига хос бўлган хусусиятлари билан ажралиб туради. Яъни, технологик хусусиятига кўра - электр энергиясини бир жойда сақлаб туришнинг имкони йўқлиги; иқтисодий хусусиятига кўра - электр энергиясини ишлаб чиқариш ва сотиш тизими доимо бозор тамойилларига тўлиқ мос келмайди. «Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда ... «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20